

# Инсон ва қонун

2022 йил 28 июнь  
сешанба  
№ 24 (1332)

hudud24

Endi 24 soat siz bilan

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

27 июнь -

## МАТБУОТ ва ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ходимлари кун

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичга қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари — журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва bosмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга таништираш ва беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХУШХАБАР

“ЁШЛАР УЧУН  
ЮРИДИК  
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ” —  
ТАНЛОВ  
ҒОЛИБИ



“Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловида “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази томонидан нашр этилган “Ёшлар учун юридик энциклопедия” китоби муносиб тақдирланди.

Мазкур танловга 1 минг 800 дан ортиқ ариза келиб тушган бўлиб, танлов учта ёш категориясида уч ўрин бўйича ўтказилди.

Кеча “Адиблар хибони”да ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 1-ўринга 100 миллион, 2-ўринга 75 миллион, 3-ўринга 50 миллион сўм мукофот пули топширилди.

Ғолиблар қаторида “Мушуклар маликаси Минуш”, “Пеппи узунпайпоқ” (таржима), Тўлқин Нурмухаммаднинг “Нафс”, Саъдулло Қуронови “Галактикада бир кун” каби асарлари эътироф этилди.

1-ўрин Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” ва Анвар Обиджоннинг “Мешполвоннинг саргузаштлари” асарлари учун адибларнинг яқинларига топширилди.

Ўз мухбиримиз



Инобат НОРМУРОДОВА,  
тележурналист

ИЛК ЭФИР ВА 31 йил:

Телевидение ўз уйим каби қадрдон

ТЕЛЕВИДЕНИЕ мен учун ниҳоятда муқаддас даргоҳ. Оиламни, ўзимни, ор-номусимни, обрўимни қанчалар ҳурмат қилсам, қанчалар асрасам, иш жойимни, жонажон телевидениенимизнинг номини шундай эҳтиёт қиламан, шундай асрайман, шундай авайланман. Чунки шу жойда ҳурмат-иззат топдим, дўст-биродар орттирдим. Шу ерда чопқиллаб-чопқиллаб ишлаб, фарзандларимни боқдим.

1991 йил ҳаётимда ниҳоятда қадрли йил, умримда ўзгаришлар ясаган, катта муваффақиятлар олиб келган йил сифатида ёдимда қолган. Тошкент давлат университетининг Журналистика факультетини 1984 йилда тамомлаб, “Шарқ юлдузи” журналида иш бошладим. Тақдирни қарангки, 1990-1991 йилларда журналларда кетма-кет катта-катта публицистик материалларим босилди. Шулар сабаб

бамми, 1991 йил 3 ноябрда телевидениега “Қизлар мушоираси”га чиққани келсам, ёзган мақоламни кўриб, “Сиёсат” студиясига ишга жалб қилишди. Мен учун телевидение очилмаган кўриқ эди. Кадр орти азобларини, меҳнатларини тушунмайман, ёшман. Маъмура Муҳаммадҷонова исми ҳуқуқшунос аёл “Сиёсат” студиясида бош муҳаррир экан. Ёзган публицистик мақолаларимни бердим. Опа кўрдилар-да,

ёзганларингиз жуда яхши, лекин буни сценарийга айлантириш керак, дедилар.

Кейин мен сценарий ёзолмайману, опажон, дедим. Менинг назаримда, сценарий ёзиш жуда катта иш эди-да. Опа менга сценарий ёзиш жараёнини содда қилиб тушунтирдилар. Уч ойдан кейин менга гувоҳнома беришди.

Давоми 4-бетда >



Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири

ЖУРНАЛИСТ

КИМ?



Журналист — давр садоси!

ЖУРНАЛИСТ — давр садоси, замон нафаси. Бугуннинг ёрқин суратини кўрсатиб бера оладиган, ҳар бир куннинг, ҳар бир лаҳзанинг ҳароратини юракларга етказа оладиган, муҳрлайдиган касб эгаси.

Ҳақиқий журналистикага ҳеч қайси замонда — ўтмишда ҳам осон бўлмаган, бугун ҳам осон эмас, эртага ҳам осон бўлмаслиги аниқ. Журналист шундай касб эгаси-ки, керак бўлса, жонини хатарга қўяди, таҳдидлардан, тазийқлардан қўрқмайди.

Ҳадиси шарифлардан бирида шундай ёзилган: “Кимки бирор камчилик ёки гуноҳ ишни кўрса, қўли билан тўхтатсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, дилидан ўтказсин”. Журналист шунинг учун камчиликларни кўриб-кўрмасликка олиб кета олмайди. Чунки унинг виждони уйғоқ.

Давоми 4-бетда >

## Инсоннинг ажралмас янги ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилади

Бобокул ТОШЕВ,  
юримдик фанлари доктори, профессор.

**СЎНГИ** йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланиб, ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш орқали кучли фуқаролик жамияти қуришга ҳаракат қилинмоқда. Ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш, аввало, конституциявий ислохотлар ўтказишни талаб қилади.

“Инсон — жамият — давлат” тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва уни амалда таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш билан боғлиқ янги вазифалар юзага келди. Айниқса, бугунги глобаллашув даври ва жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаётий воқеликлар мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун ҳам конституциявий ислохотларни ўтказиш вазифасини қўймоқда.

Конституциявий ислохотлар кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларимиз ва дунёдаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши заруриятга айланиб бормоқда. Ўтказиладиган ҳар қандай ислохот албатта, Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий асосларга тўғри келиши керак. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, аввалги амалиётдан фарқли равишда Парламент томонидан ишлаб чиқилган Конституция лойиҳаси референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган бўлди.

Назаримизда Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар қўйидаги йўналишлардаги масалаларнинг ечимини бериши билан аҳамиятлидир: Биринчидан, Конституцияда инсоннинг ажралмас янги ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилади. Хусусан, тоза аτροφ-муҳитга бўлган ҳуқуқ, турар-жой дахлсизлиги, мулк дахлсизлиги, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар, соғлом турмуш тарзига оид ҳуқуқлар, меҳнат ҳуқуқлари, эркин ҳаракатланиш каби ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамлаб қўйилади.

Иккинчидан, шахс эркинлигини чеклаш, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқларини тушунтириш, ушланиш сабабларини баён қилиш, шахс судининг қарорига қадар қўли билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкинлигига эришиш, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш, ўлим жазосининг қўлланилмаслигини Конституция даражасида белгилаш.

Учинчидан, “ҳуқуқий давлат” ғоясини қонунан сингдириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларга оидлик киритиш, Президентнинг айрим ваколатларини бошқа органларга ўтказиш, маҳаллий ҳокимият ва бошқаруви органлари фаолиятини аниқлаштириш, ҳукуматнинг ваколатларини кенгайтириш, мансабдор шахсларнинг маъсулиятини аниқ белгилаш, маҳалланинг мақомини аниқлаш, фуқаролик жамияти институтининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни аниқ кўрсатилади.

Тўртинчидан, “Инсон — жамият — давлат” тамойилини Конституцияга сингдириш орқали ижтимоий давлатчилик асосларини шакллантириш, бунда оила, болалар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқирисида бўлишдан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши, инклюзив таълимни кафолатлаш, муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдорини белгилаб қўйиш орқали давлатнинг маъсулиятини белгилаш Конституция даражасида мустаҳкамланади.

Бешинчидан, қонунчилик ташаббуси институтини такомиллаштириш, яъни жамиятнинг ўзини ҳам қонунчилик ташаббусига эга бўлишига эришиш, Олий Мажлис Сенати, Омбудсман, Марказий сайлов комиссияси қонунчилик ташаббусидан фойдаланиш билан боғлиқ нормалар қонунчилик кўзда тутилмоқда.

Олтинчидан, Конституциянинг олий юридик кучга эга бўлган қонун сифатида унинг ҳар бир нормасини тўғридан-тўғри қўлланишига эришиш, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мантиқий жойлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш, қонун устуворлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибни сақловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизимини яратишга қаратилган нормаларни киритишга тўғри келади.

Мустақиллик йилларида Конституциямиз катта вазифаларни бажарди, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлади, ҳуқуқий давлатга йўл очди, барча соҳалардаги ислохотларни ҳуқуқий кафолатлади. Лекин, дунёдаги бугунги кескин ўзгаришлар, глобал муаммолар, инсон ҳаётидаги муҳим ўзгаришларга тура олиш учун янги, кучли ҳуқуқий асос янги Конституцияга эҳтиж борлигини кўрсатмоқда.

Шунга қўра, аждодларимизнинг бой давлатчилик меросини давом эттириш, қадриятларни қарор топтириш, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, дунёда давлат сифатида муносиб ўрин эгаллашга бефарқ бўлмаслигимиз, давлатимиз паспорти ва келажак тақдиримиз кафолати бўлган Конституциямизни такомиллаштиришда ҳар биримизнинг фаол иштирокимиз талаб этилмоқда.

**БУГУН** дунёнинг қарийб барча давлатларида Конституция асосий қонун ҳисобланади ва бошқа ҳар қандай чиқариладиган қонун, қарор ҳамда фармонлар унга мувофиқ тарзда қабул қилинади. Шу сабабли Конституция “Бош қонун”, “Асосий қонун” деб ҳам аталади.

Умида ХАЙДАРОВА,  
ТДҲУ Хорижий тиллар  
кафедраси катта ўқитувчиси:

## ЖАМИЯТ — ислохотлар ташаббускори



Ҳозир янги-янги вазифалар кун тартибига қўйилмоқда. Глобаллашув, рақамлаштириш, мамлакатни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар шулар жумласидандир. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизни бугунги кун талабларига мослаштириш ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди, қолаверса, тараққиётнинг юқори босқичларига кўтарилишга кенг йўл очади.

Мамлакатимизда кенгаётган бу муҳим сиёсий, Ўзбекистон Конституциясини такомиллаштириш жараёнида тажрибали ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, зиёлилар иштирок этмоқда. Улар қаторида мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи ёшларнинг фаол бўлаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Ушбу жараённи назорат қилиш ва зарур тадбирларни амалга ошириш учун Конституциявий комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Конституциявий комиссия ўз фаолиятини “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган ғоя асосида олиб бормоқда. Комиссияга аҳолининг барча қатламларидан Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни олиш борасида вазифалар қўйилди.

Комиссия ахборотида қўра, “... келиб тушган таклифлар таҳлил қилиниб, дунё конституциялари ўрганилганидан сўнг, биз умумий келишувга эришдик ва 41 та ғоя юридик жиҳатдан расмийлаштирилиб, норма ҳолатига келтирилди. Натижада Конституциямизнинг жами 24 та моддаси билан боғлиқ нормалар шакллантирилди...”

Келиб тушаётган таклифлар қаторида эътиборга эга бўлган масалалари, жумладан, оила институтини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оталик давлат томонидан муҳофаза қилинишини конституциявий мустаҳкамлаш, буюқ аждодларимизнинг бой маданий меросидан фахрланиш туйғусини шакллантириш, давлат хизмати ходимларининг ишга қабул қилиниши, уларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш ҳуқуқларининг таъминланиши Конституция даражасида муҳрлаб қўйилиши зарур.

“Инсон қадри” фуқароларнинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, босқич-ма-босқич муносиб турмуш шартини таъминлаш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя ва соғлом экологик муҳитни яратиш демакдир.

Президентимиз конституциявий ислохотлар учун 9 та заруратни санаб ўтганида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ оид давлат таъминоти, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида қилиниши керак бўлган ишларни алоҳида таъкидладилар. Ўртбошимиз томонидан Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахслар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари конституциявий даражада ўз аксини топиши кераклиги таъкидланди. Албатта, тубдан такомиллаштириш учун кадрлар захираси керак. Малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимли бўлиши керак, шундагина мамлакат ривожланишида асосий ютуқларга эришиш мумкин.

Конституцияга киритилган ўзгаришлар бўйича овоз бериш натижалари Ўзбекистон жамиятининг юқори даражада консолидацияси, у билан давлат ўртасидаги ишонч тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Мамлакатнинг ҳозирги ва келажакдаги барча асосий масалалари бўйича расмийлар ва фуқаролар бир-бирини тингламоқда. Ушбу омил нимани аниқлатади? Давлатга бўлган ишонч технология, иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг энг илғор босқичларида қўллаб-қувватлаш, одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, суверенитет ва миллий манфаатларни таъминлашга қодир мамлакатнинг улкан манбаидир.

Демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқиш учун янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳаёта тизимли ва изчил татбиқ этилмоқда. Бу орқали “Инсон қадри учун” деган устувор тамойил тўла рўёбга чиқиши кутилмоқда.



**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**  
ТДЮУ Бизнес ҳуқуқ кафедраси профессори,  
юридик фанлари доктори:

## КОНСТИТУЦИЯ — бизнинг келажагимиз

**Янги Ўзбекистонда замонавий конституциявий ислохотларнинг янги даври бошланмоқда. Давлатимиз Конституцияси бизнинг келажагимиздир. Барқарорлик ва миллий стратегик тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.**

Мулкисиз рақамли иқтисодий муносабатларни шакллантириб бўлмайди. Рақамли иқтисодий хилма-хил шаклдаги мулклар асосида рақамли топачи. Конституциявий нормалар иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш баробарида барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Асосий Қонуниди рақамли конституциявий-ҳуқуқий институтлар билан узвий боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар тизimini яратиш объектив заруриятдир. Рақамли Конституция рақамли майдонда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятларини кафолатлайдиган олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Рақамли технологиялар тадбиркорлик фаолиятида фуқаролик муомаласининг ҳуқуқий табиатини тубдан ўзгартирмақда. Янги рақамли институтлар, хусусан, рақамли ҳуқуқ, электрон шартнома, рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши, рақамли бизнес, рақамли хизмат, электрон пул, электрон тўловлар, крипто-актив, блокчейн технологиялари, сунъий интеллект, шахсга доир маълумотлар, рақамли майдонда шахснинг ҳуқуқий хавфсизлиги билан боғлиқ ўтмишда фан ва қонунчиликда маълум бўлмаган янги ҳуқуқий муносабатларни ақли тартибга солиш устувор аҳамият касб этмоқда. Рақамли реаллик шароитида рақобатчи янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда.

Мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқидир. Мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари янгилаётган жамиятда инсон кадрини улуғлаш баробарида мустақил давлат тараққиёт стратегиясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш учун хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси том маънода ҳар бир шахснинг мулк ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг ҳуқуқий воситасидир.

Рақамли ҳуқуқларни тан олиш ва ҳимоя қилиш зарурати бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Дунёнинг саккизта етакчи давлатлари вакиллари томонидан қабул қилинган глобал ахборот жамияти (Окинава, июль 22, 2000) Хартия, тегишли сиёсат ва глобал тар-

моқларини оптималлаштириш ҳамкорликни рағбатлантириш, норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш зарурлигини эълон қилди. Тармоқ бутунлигини суиистеъмол қилишга қарши кураш, тармоқ бутунлигини бузиш, рақамли тармоқлар бўлинишини камайтириш, одамларга сармоа киритиш ва глобал тармоққа кириш ва ушбу жараёнда иштирақ этишни таъминлашни назарда тутди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йил 18 декабрдаги "Рақамли асрда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи" Резолюциясида технологик ривожланишнинг жадал суръати дунёнинг барча минтақаларида одамларга янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга имкон беради ва шу билан бирга ҳуқуқматлар, компаниялар ва шахсларнинг қузатув имкониятларини оширади. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ёки бузиши мумкин бўлган маълумотларни ушлаб туриш ва тўплаш (айниқса, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи) назарда тутилган. Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурати баъзи махфий маълумотларни йиғиш ва ҳимоя қилишни оқлаши мумкинлиги, аммо давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига тўлиқ риоя этилишини кафолатлашлари кераклиги таъкидланган.

Хорижий давлатлар конституциялари иқтисодий тизимига оид нормалар таҳлили кўрсатишича, уларда тадбиркорлик эркинлиги, рақобатчи қўллаб-қувватлаш, устувор мавқени чеклаш, валюта сиёсати, солиқларнинг қонун асосида жорий этилиши, давлат бюджети, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун тенг баҳоларда қўллаш шарт билан мулкдорлардан мол-мулкни олиб қўйиш шарт ва асослари назарда тутилган.

**Хитой Халқ Республикаси** Конституциясига кўра, "Фуқароларнинг қонуний хусусий мулкни дахлсиздир", "Давлат қонунга мувофиқ фуқароларни хусусий мулкдан маҳрум этиши ёки фойдаланиши ҳамда жамоат эҳтиёжлари мавжуд бўлганда қийматини тўлаши мумкин", "Давлат тежамкорлик режимини ҳаётда олиш-май амалга оширади, талон-тароқчиликка қарши курашади", "Давлат иқтисодий қонунчиликни қучайтиради, макротартибга солишни такомиллаштириди" деган нормалар мустаҳкамланганлиги диққатга сазовордир.

**Россия Федерацияси** Конституциясида "ахборот технологи-

яларни" татбиқ этиш, шу жумладан, ахборот технологияларини қўллашда, рақамли маълумотлар муомаласида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга оид нормалар назарда тутилган.


**Беларусь Республикаси** Конституциясидаги "Давлат шахсга доир маълумотлар ҳимояси ва ундан фойдаланишда шахс ва жамият хавфсизлиги учун шароит яратди" деган норма ҳам аҳамиятлидир. Аиниқса, ушбу давлатнинг "Давлат ёшларнинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланишини таъминлайди, уларнинг ижтимоий ҳаётда эркин ва самарали иштироки, бутун жамият манфаатида ёшлар салоҳиятини реализация қилиш учун зарур шароитларни яратди" деган норма мамлакатимиз конституциявий ислохотларни амалга ошириш тенденцияларига тўлиқ мос келади.

**Эстония давлати** Конституциясига кўра, "Ҳар бир шахс унга ким томонидан ҳуқуққа хилоф зарар етказилган тақдирда маънавий ва моддий зиёнини қоплаш талаб қилиш ҳуқуқига эга". (25-модда) Шунингдек, мазкур Конституциянинг 32-моддасига кўра "Ҳар бир инсоннинг мулк дахлсиз ва тенг ҳимоя қилинади. Мулк мулкдорнинг розилигисиз фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда умумий манфаатлар учун адолатли ва дарҳол қўпланганда тасарруф этиш мумкин. Ҳар бир шахс унинг розилигисиз мулкни тасарруф этилган тақдирда судга мурожаат этиши ва мулкни тасарруф этиш оқибатида етказилган зарарни қўллаш ёки унинг миқдорини талаб қилиш ҳуқуқига эга". Шунингдек, "Ҳар бир инсон ўз мулкни эркин эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга". "Чеклов қонунга мувофиқ белгиланади".

Рақамли технологиялар инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишнинг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришда гоятда муҳим ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, дунёвий глобаллашув шароитида инсонларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг халқаро эътироф этилган ҳужжатларга ва хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибаларига мувофиқлиги таъминланиши Янги Ўзбекистонда узоқни қўллаб амалга оширилаётган тараққиёт стратегиясини амалий рўёбга чиқаришнинг гоятда муҳим воситасидир. Жамиятнинг иқтисодий негизлари рақамли трансформациялашувининг замонавий тенденцияларини инобатга олиб, конституциявий-ҳуқуқий институтларнинг монанд тизими яратилиши конституциявий ислохотларнинг муҳим босқичидир.

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар учун этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимини билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.**



2022 йил 1 июлдан бошлаб кўпгина корхоналар Солиқ кодексининг 337-моддасидаги **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини** 7,5 фоиз ставка бўйича тўлаш ҳуқуқига эга бўлиши. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи барча солиқ тўловчилар ушбу имтиёзни қўллашлари мумкин. Илгари имтиёз фақат Электрон тижорат субъектларининг Миллий реестрига киритилган солиқ тўловчиларга тақдим этилган.

Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2022 йил 1 июлдан бошлаб Жамғарма томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қўллаш учун уч йил муддатга компенсация тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат хизматлари кўрсатиши соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан бошлаб Тиббий фаолият учун лицензия, Фармацевтика фаолияти учун лицензия, Архитектура-шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензия, Фискал хотирани назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш картчаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома ҳамда заргарлик буюмларини ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бонка буюмларни сотиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарномалар учун айрим талаб ва шартлари бекор қилинади.

2022 йил 1 июлдан бошлаб коммунал ташиқлотлар томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги Фармонининг 4-бандида белгиланган фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда шахсони тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати ва тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномаларини талаб қилиш тақиқланади. Шунингдек, 2021 йил 24 июлдаги Президент Фармонининг 5-бандида назарда тутилган фактларни тасдиқловчи маълумотларни ҳамда молиявий ҳисоботлар нусхаларини, жисмоний шахсларнинг охириги 12 ойдаги иш ҳақини тасдиқловчи маълумотномаларини ва ижтимоий нафақа ва пенсиялар тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномаларини талаб қилиш бекор қилинади.

**Мақсуд МУСТАҒОБОВ,**  
"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
масъул ходими

Давоми. Боши 1-бетда К

1992 йил 8 март кuni илк бор қашқадарёлик биринчи тележурналист аёл бўлиб биринчи бор эфирга чиқдим. Эфирга чиқишим жуда ажойиб бўлган. Уша пайтда қандай қилиб камерага қараб гапирганимни билмайман. Уша пайтда ўзи бошловчилик қилсин, кўрсатувларни ўзи олиб борсин, деган таклиф беришганида хайрон қолганман. Кейин кетма-кет эфирга чиқа бошладим.

Раҳматли Элбек Мусаев қизим, мана, эфирга чиқа бошладингиз, билингики, ортингизда катта жамоа бор, дедилар. Шу бир гап билан ўта маданиятли бўлишимиз кераклиги ҳақидаги фикр ақлу шууримга жойланди. 31 йилдирки, ҳозиргача, ортимда катта жамоа бор, тасвирчи бор, чирокчи бор, монтажчи бор, жуда катта жамоа бор, деб тасаввур қиламан.

Фақат мен эмас эфирга чиқаётган, мана шу кўрсатув фақат мендангина иборат эмас, бу ерда бошқаларнинг ҳам меҳнати бор, бошқаларнинг ҳам обрў-иззати бор, деб тушунаман. Шу даргоҳдан обрў-иззат топдим, шу даргоҳнинг ҳаммаша муқаддас деб билиш кераклигини англаб етдим. Ҳозиргача мени устоз деб келаётган йигит-қизларга биринчи марта айтадиган гапим бор. Уларга "Бу жойингиз қадрига ет, эъзозла, обрўсини сақла. Уйингиз эъзозлагин", деб ўрғатиб келаман.

Режиссёр Тамара Маҳкамова билан ҳамкорликда илк бор тонги дастурда эфирга чиқдим. Ҳозирги "Ассалом, Ўзбекистон" дастури — "Ассалому алайкум" кўрсатувини Шуҳрат Қайомов, Раҳматилла Мирзаев, Фарход Бобононов, Абдумўмин Ўтбосаров билан олиб бориб, бошловчилик қилдим. Ҳеч эфирга берилмаган, ҳатто айтилмаган мавзуларни излаб, фаррошлар ҳақида лавҳа тайёрладим. Биз унчалик ҳам эътибор қилмайдиган, меҳнати энг кўп, лекин доим эътибордан четда қоладиган фаррошларнинг ички кечинмаларини очишга ҳаракат қилдим. Кўрсатув ўз-ўзидан катта шов-шувга сабаб бўл-



## ИЛК ЭФИР ВА

31 йил:

Телевидение ўз уйим қадрдон

ди. Қахрамоним битта хонадонда олти келин билан яшаётган фаррош аёл эди. Олти келин, ўн иккита фарзанд, бир қанча неваралари бор аёл. Тасаввур қиласизми, олти келин билан хотиржам яшашни?! Муроаси мадора қилиб яшаш учун аёлда маънавият кучли бўлмас, бундай оилада яшаш жуда қийин. Ҳар бирига, ҳар бирининг характериға, қиёфасига, табиатига қараб гапирди, муомала қилади, бу осон иш эмас. Иш жойларига бордим, суҳбатлар қилдим. Суҳбатлар орасида аёлдаги сир-синоат, муомала-муроаса маданияти, ўқиган китоблари, газета-журналлар ҳақида суҳбатладим.

Янги лойиҳалар қилиш, янги-янги кўрсатувлар тайёрлаш бўйича таклифлар билан бош муҳаррирга кирдим. У пайтда фақат битта "Ўзбекистон" телеканали бор эди. Лойиҳаларим маъқул келди. "Юрт ҳақида кўшиқ" бадий-публицистик кўрсатувини бошладим. Юрtnинг тарихи, адабиёти, санъати, қишлоқ хўжалиги, фуқароларнинг турмуш тарзини эфирга олиб чиқиш олдимдаги катта мақсад бўлди.

Кейинчалик "Аёл ҳақида сўз" кўрсатувини, "Сиёсат" студияси режасига асосан "Парламент вақти", "Долзарб мавзу", "Инсон ва қонун", "Маслак ва мақсад", "Фуқаролик жамияти сари" каби кўрсатувларини ҳам тайёрлаб келдим. Уша йиллар тажриба орттирдим. Жамоамизда ишлаётган сиёсий шарҳловчи бўлган

тажрибали журналистлар Турсун Қоратоев, Маъмура Муҳаммадҷонова, Муаттар Асқарова, Ҳакимжон Соатов, Сафар Романов, Бахтиёр Муҳаммадиев, Қобилбек Қаримбеков билан ишлаб, шакллана бошладим.

1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Икки ой умумхалқ муҳокамаси бўлди. Мана шу муҳокама жараёнларида жуда қаттиқ ишладик. Халқнинг таклифларини, фикр-мулоҳазаларини олиб келганмиз. Ёшмиз, қайноқмиз, совуққам қарамаймиз. Кун жуда совуқ эди қиш ойлари эди, эсимда. Жамоамиз жуда чиройли эди, аҳил эди. "Сиёсат" студиясида ишлайдиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчи-шарҳловчилардан иборат жуда яхши жамоа эдик. Бир тану бир жон бўлиб ишлай бошладик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Мамлакатимизнинг парламенти шакллантирилди. Давлатимиз рамзлари қабул қилинди. Шу йилларда "Сиёсат" студиямизнинг олдиға жуда катта вазифалар қўйилганди. "Сиёсат" студиясида сессиялар, сайловлар, референдум, ҳукумат тадбирлари бўйича кўрсатувлар, информацион дастурлар эса, "Ахборот" студиясида тайёрланарди.

Уша йиллари Олий Кенгаш сессиялари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмун-моҳияти тўғрисида "Ҳаётимиз қомуси" номли кўрсатув дунёға

келди. Ҳозиргача Конституцияға бағишланган мана шу кўрсатувни, "Парламент вақти" кўрсатувини тайёрлаб келаман.

Олий Мажлис фаолиятдан кўрсатув тайёрлашим учун парламент фаолиятини икки йил мустақил ўргандим. 2000 йилда биринчи бўлиб аркин мавзуда "Депутат" номли кўрсатувим юзаға келди. Олий Мажлис фаолиятдан янги кўрсатув тайёрласам, очилмаган томонларини очсам деб ният қилгандим. Парламентда ишлаётган депутатлар аслида нима иш қилади, кўмиталар нима, фракция нима, қонунлар қандай тайёрланади, шу жараёнларни ўрганиб, парламентимиз ҳаётдан янги кўрсатув олиб чиқишға ҳаракат қилдим.

Мендан жуда кўп сўрашди. Қандай шунча йил битта кўрсатувда ишладингиз, хатолар қилмадингизми, гап эшитмадингизми, деб. Албатта, ишда аҳто бўлади. Ҳамма вақт шу масъулиятни ҳис қилиб тураман. Депутатлар гоҳида уч ойлаб, битта қонун лойиҳаси устида олти ойлаб ишлашади. Бир хил қонунлар муҳокамаси бир йиллаб ҳам чўзилади. Лекин мен ҳар ҳафтада битта қонун муҳокамасини бераман ёки депутат фаолиятини ёритаман.

Бугунги кун журналисти кечаги кун журналисти эмас, бугунги кун томошабини кечаги кун томошабини эмас. Шуниси ҳис қилишимиз керак. Мен бугун ишға келаётган ҳар бир ёшға шуни айтаманки, телевидение уйингиз муқаддас даргоҳ. Бу ерда жуда кўп устозларимиз ўтиб кетди. Ўтган йиллар орасида ниҳоятда яхши устозлар билан ишладим. Гоғтада яхши мактабни кўрдим.

Телевидениеда иш бошлаганимға 31 йил бўлди. Журналистикадаги умий иш фаолиятимға эса 43 йил тўлди. Умирининг тенг ярми Ўзбекистон телевидениесида ўтди.

Ҳамкасбларни касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni билан тасвирлайман! Барча журналистларға ижодий муваффақиятлар ва қизгин ижод завқини тилайман!

# ЖУРНАЛИСТ КИМ?



Ўзининг кўзида ёш бўлса-да, ўзганин кўз ёшини тўхтатмоқчи бўлган инсон...

Давоми. Боши 1-бетда К

Журналист — юракдан-юракка ўтувчи йўлларнинг кўприги

Инсонға таскин, тасалли берувчи журналистнинг мададаға муҳтожларни кўра оладиган қалб кўзи бор. Ўзи ёрдамға муҳтож бўла туриб, ундан нажот кутганларға ёрдам берадиган, ўзининг кўзи тўла ёш бўлса ҳам бировнинг кўз ёшларини артмишға куч топа оладиган қудрати бор журналистнинг. Чунки ҳаёт кувончлари ва ташвишлари мудом ёнма-ён экан, фуқароларимиз ўз дарду дунёси, гаму ташвишлари билан не-не идораларға бош уради. Энг сўнги илнж истаб, уларни сарсон-саргардон қилган кимсалардан шикоят қилиб, таҳририятларға журналистларнинг хузуриға боришға ошпақди. Сўнги нажот остонасида уларнинг кўкрагидан ҳеч ким итармаслигини, дардини тинглайдиган журналист борлигини яхши

билиди. Кимдир кўчада қолдим, уй ололмадим, кимдир пенсияға чиқа олмаганман, кимдир ноҳақликдан ишдан бўшатишди, тиклашға ёрдам беринг деса, яна кимдир ногирон бўла туриб, "ногирон эмас" лиги борасидаги бузилган ҳақ-ҳуқуқимни тиклаб беринг, фирибгарлардан панд едим, зўравонлик қурбони бўлдим, ўз ерим ўзимға тегмаяпти, коррупция ва бюрократларнинг дастидан дод..., деб мурожаат қилади.

Одамлар журналистға адолат истаб, ҳақиқат истаб мурожаат қилишади. Журналист улар билан бирға ҳақиқатнинг ёпиқ эшикларини ортида қанчалар музтар бўлиб сарғаяди, адолатнинг кўчаларида саргардон кезади. Қайсидир маҳкамалардаги ҳақсизликлар сабаб азият чеккан шахс ва унинг яқинлари билан бирға изтироб чекади, ҳақиқатни излаб курашади. Журналист суриштируви давомида жуда "баланд" турувчи идораларға бош сукавериб, югравериб, пешонаси қанча деворларға тегеди. Ойлаб,

йиллаб битмаган ишлар битса, муаммолар ҳал этилса, бир гапри кўнгилни шод қилгани учун бахтиёрликдан ўзини кўярга жой топа олмайд.

Журналист — қалб меъмор

Журналист — бошқаларнинг муаммоси, деб бош урган эшиклар бир кун ўзиға керак бўлганида, очилмаслигини била туриб ҳам одамларға яхшилик қилишға ўрганган касб эгаси у. Вақти келиб, ҳақ сўзни айтгани учун, қўлини осмонға узатса етадиган айрим амалдорларнинг "тинчини бузгани" учун суд залиға боришға ҳам тайёр бўлган жалосоратли касб эгаси у. Ҳаётда нималар бўлмайдми дейсиз? Айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузганлар, давлат мулкани талон-торож қилган юзи қоралар ғолиб бўлиб, бу камчиликларни топиб ёзгани, айбдорни ошкор қилгани учун журналист мағлуб бўлган ҳолатлар ҳам афсуски, йўқ эмас.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг "Ҳақиқатни

айтадиган одамнинг кафани елкасида бўлиши керак..." деган фикрлари нақадар ҳақлигини яна бир бор англаймиз.

Бугуннинг нафаси ўзғача...

Тўғриси тан олиш керак, бугун сўз эркинлиги қорғозда эмас, амалда ҳам бор. Гарчи, босма оммавий ахборот воситалари ўз ёғиға ўзи қоврилиб юрган бўлса-да, ҳар ҳолда кўнглимиздаги сўзни айтиш имкониятларига эгамиз. Давлатимиз раҳбарининг "Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давом эттирилиб, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Мен, ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни — ислохотларнинг фаол иштирокчилари, ўзимнинг энг яқин дўстларим деб биламан ва улар ҳаммиса Президент ҳимоясида бўлади", — деган сўзлари албатта биз — журналистлар учун жуда қадри.

Дарҳақиқат, бугунги журналистика анча замонавийлашганини, ўтириллаётганини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятининг халқаро аҳамият касб этаётганлиги, қатор давлатлар журналистлари ижодий уюшмалари билан меморандумлар имзоланиши, ижодий сафарлар, тажриба алмаштириш, халқаро танловларда иштирок этиш — буларнинг

барчаси Ўзбекистоннинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш билан бир қаторда соҳа эгаларининг ўзиға ишончини, касбига муҳаббатини ва садоқатини яна бир қарра мустаҳкамламоқда. Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан ташкил этилаётган тренинг ва тадбирлар эса кадрлар салоҳиятини оширишға хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда журналист кадрларни тайёрлайдиган олий таълим даргоҳларининг қўйилганлиги, "Янги медиа таълим маркази" нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатаётганлиги, "Замонавий журналистикани ривожлантириш" маркази иш бошлаганили соҳадаги ислохотлардан дарик беради.

Матбуот ҳар бир замон, ҳар бир давлат ва жамият мафкурасининг ўткир қуроли бўлиб келган. Шундай экан, сиёсий ислохотларнинг ҳар қандай босқичида мафкуранинг демакки, матбуотнинг ўрни беқимс.

Юртимизда Бош қомусимизға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнлари кечаётган айни кунларда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасида илгор давлатлар тажрибасидан қолишмайдиган янги нормалар киритилиши тарафдоримиз.

Ҳар бир сўзға умрини бағишлаётган, ҳар бир ҳарф устида хушёр турадиган, ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда даврининг सदоси бўлиб мағрур ҳолда майдон қиқидиган фидоий ҳамкасбларимиз, байрамимиз муборак бўлсин!

## Ойни этак билан

## ёполмайсиз?...

**ИЖТИМОЙ тармоқларда норасида боласини ваҳшийларча аёвсиз ураётган самарқандлик аёл видеоси тарқалгандан бери минг хил фикрлар, тахминлар, таклифлар, жазоларга маҳкум қилиш ҳақидаги қатъий талаблар ўртага ташланди. Бахтсизликка, ночорликка, имконсизликка, камбағалликка исён бу, деган аччиқ талаффузлар такрор-такрор тилга кирди. Онани ёқлаш, жамиятни қоралаш, амалдорларни айбдор қилиш... хуллас, кўп иддаолар ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилди.**

Аммо оналар бахтиқароликка исён сифатида ўз дилбандига озор бериш билан ечим топаман, деб ўйласа катта хато қилади.

Бу ваҳший она лавҳасини кўриб, ҳар қандай одамнинг юраги ларзага келади. Нақадар бешафқатлик, нақадар разиллик... Ҳатто суратни қайта кўришга ҳам юрагингиз дов бермайди.



### Оналик бахтини, масъулиятини унутган аёл

Норасида бола бечоранинг жони ҳали ҳам қаттиқ экан. Бу дўппослашларда, бу қадар силташларда кўл оёғи синмаганига шукр. Бу қилмиши учун мингта сабаб, мингта баҳона бўлса ҳам, онани ёқлай олмайман. У оналик бахти, оналик масъулиятини унутган аёл. Онанинг боласига бу қадар шафқатсизлигини кечириб бўлмайди. Бошига қилич келганда ҳам болам дейдиган оналарнинг авлодидан эмасидик? Ахир кўчада ҳатто бегона боланинг йиғлаб турганини кўрсак, ўзимиз билмаган ҳолда беихтиёр унинг ёнига югуриб боришга, уни овутишга ўрганганмиз-ку!

Тарих ҳам болалар учун ҳамма нарсадан воз кечишимиз ва уларга бор меҳримизни беришимизнинг ўзи бир саодат эканлигини аллақачон исботлаб берган. Урушнинг оғир йилларида, урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик йилларида оила бошлиғи фронтдан қайтмаган оилаларнинг аёллари суйнайдиган ҳеч кимни қолмаган энг оғир даврларда ҳам тош келса кемириб, сув келса симириб, бир этак боласини бировага муҳтож ёки хор қилмасдан воёга етказганлигини кўп ўқиганмиз, шундай муқаддас оналарни биламиз. Ҳатто энг қашшоқ даврларда ҳам оналар на эгнида, на оёғида киядиган кийими бор, ейишга бир бурда нони ва суви, бошпанаси йўқ, аммо боласини бағрида ардоқлаб, улардан меҳрини аямасдан яшаётганлигидан хабардормиз-ку.

Биз эса.... Биз қатор-қатор рисоалар билан ном чиқаргандан кўра, Халқаро

Аваллари одамзод йиртқиқ ҳайвонлардан ўз боласини ҳимоя қиларди. Энди эса энг ваҳший ҳайвонлар ҳам боласини одамдан ҳимоя қилаётган замонда яшашамиз.

машаратларда аёл, оила, фарзанд ҳақида балеандпарвоз маърузалар ўқигандан кўра, одамийликни бошқаларга ўргатгунча, ўзимизга ўргатсак бўлмайди-ми?

Мен амалдор хонимлар кўлайганига асло норози эмасман. Аммо уларнинг аксарияти ўз вазифаси аёлларнинг кўз ёшини, болаларнинг дардини аритишдан иборат эканлигини тушунмаганидан, иш куни-ни шундан бошлаб, шундан тугатишга ўрганмаганидан норозиман.

### Оналик меҳрини ҳеч нарсага қурбон қилманг!

Кўпчилик ушбу фожианинг илдинини тиббиётнинг ожизлиги-ю, тиббиёт ходимларининг нўноқлиги, барча босқичдаги амалдорларнинг коррупция ботқоғига ботиб қолганлиги билан изоҳлашди. Тўғри, бу иллатлар бир тараф, аммо оналик деган буюк салтанат бир тараф. Оналик меҳрини бу иллатларга ва ҳеч нарсага қурбон қилиб бўлмайди...

Аёл бахтсизман, деб боласи билан ўзини сувга отса, бахтиқароман, деб боласи билан бирга ўзини машина остига ташласа, ўз жонига қасд қилса... Бу фожиаларни маҳалла-ю оилага, хотин-қиз-

ларга дахлдор кўмиталар, уларнинг бир қанча бошқарма-ю бўлимлари "поезд кетгандан" кейин билса... Билса-ю, барча айбни ўзидан эмас, бировдан изласа, барчасини аёлнинг ўзига ағдарса. "Ўзи ёмон, ахлоқсиз аёл эди, ёки руҳий носоглом эди..." деб бу бахтсиз фожиага нўқта қўйиб хотиржам юрса. Ойни этак билан ёпмоқчи бўлса...

Азиз замондошим! Биз қайси дарёдан сув ичганмиз ўзи? Ўйлаб кўрдигимиз, биз сув ичган дарёлар нахотки қуриётган бўлса? Маънавиятдан, маърифатдан, одамийликдан йироқлик, саводсизлик ҳам бизни жар ёқасига, ҳалокат саҳросига етакламаяптими? Биз оддий муаммоларни еча олмай, гангиб қолишга, ўзимизни унутишга ўрганмайлик. Яшаш учун курашиш, ҳаракат қилиш кераклигини унутмайлик!

Боласи ногирон экан-ку, деб ҳам бу аёлнинг қилмишини оқлаб бўлмайди. Ногирон боласи борларга Яратган ажру муқофотини Ўзи берсин. Оллоҳ узрли қилиб яратган инсонни хўрлаш, унга озор бериш, таҳқирлаш эса юз карра гуноҳлигини қачон тушунамиз? Тўғри, ногирон бўлиб тутилган боласига ногиронликни расмийлаштириш учун ҳам йиллаб сарсон бўлганлар бор. (Бу бошқа мавзу.)

### Бир жуфт пайпоқ билан камбағалликни тугатиб бўлмайди

Агар аёл камбағалликка исён қилаётган бўлса, кам-

бағалликни қандай тугатамиз, деб жиддийроқ бош қотириш керак! Тадбирларда маърузалар биланми ёки сохта ҳисоботлар биланми!? Йўқ! Асло! Ночор оилага бир кунга етадиган озиқ-овқат маҳсулотини, бир жуфт пайпоқ ёки бир шиша ёғ берган билан камбағалликни ҳаргиз тугата олмаймиз!

Камбағалликни тугатиш учун энг аввало очкўзликни тугатиш керак! Буни оддийгина қилиб тушунтираман: чунки биз кийим-кечагимиз ҳаддан кўп-лигидан қай бирини кийишни билмай турган вақтимизда қайсидир замондошимиз одмигина йиртиқ кўйлаги билан кўчага чиқа олмай оғринаётганини ҳис этишимиз керак. Биз сочимизни янги урфда турмаклаш учун гўзаллик салонига кираётган чоғимизда, қай бир замондошимизнинг сочини эмас, ҳатто кўлини ювишга ҳам суви йўқлигини англашимиз керак.

### Амалдорсиз ташкилот керак!

Тўғри, жамғармалар, жамиятлар, ташкилотлар кўп, аммо керакли жойда, керакли одамга, керакли лаҳзаларда керакли ёрдамни бера оладиган, юзта қоғоз билан эмас, битта аниқ мақсад билан ёрдам берадиган оддий жамғарма — оддий ташкилот керак. Аёлларни ҳимоя қиладиган ордерлар, реабилитация марказлари, "аёллар дафтари"... Булар камлик, кучсизлик қиляптими, демак, жамиятдаги ўпқон жуда катта. Буни худди даҳшатли сув тошқинини битта тош билан тўхтатиб бўлмаслигини англагандек

англашимиз керак. Барчамиз биргаликда шунга бош қўшайлик. Ўйлаб кўрайлик! Амалдорсиз ташкилот керак бизга! Ёрдам сўрамаса ҳам, ёрдамга муҳтожлигини биландиган, бахтсизлигини яширса ҳам унга ҳамдарад кераклигини англайдиган қоғозбозликдан холи, қалбни тушунадиган меҳр улашадиган ташкилот керак аёлларга! Ўзгина ёрдам бериб миннат қиладиган, юз марта ижтимоий тармоқлару оммавий ахборот воситаларида суратлар билан "довруғини достон" қиладиган ташкилотлардан, ўзи хизмат хонасида ўтирган бўлса ҳам постдаги кўриқлаш хизмати ходимига "мени хизмат сафарига кетган деб айтинг, қабулимга ҳеч кимни киритманг" деб сиёсат қиладиган, ундан нажот истаб келганларни менсимайдиган амалдорлардан воз кечайлик! Шундагина жамиятнинг жароҳатларини даволашимиз, аёлларнинг дарду ғамини шундагина камайтиришимиз мумкин! Болаларнинг кўзларида шунда бахтиёрликни кўришимиз аниқ, боласи бахтли аёл эса сўзсиз саодатли аёлдир!

Ҳар биримиз кўша-кўша бойликларимиздан кўнглимизни узиб, ёрдамимизга, марҳаматимизга муҳтож замондошларимиз, ҳамюртларимиз ҳақида ўйлашга вақт топайлик! Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Қалба киритилган энг яхши сармоя бу — марҳаматдир..." деган ўлмас ҳақиқатига амал қилайлик! Бу мавзуга яна қайтамиз. Сиз нима дейсиз, азизлар?!

Маруся ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қонун" муҳбири

**БУХОРО**

**МАМЛАКАТИМИЗДА** халқ оғирини енгил қилиш, уларга “давлат — фуқаро” муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари суриляпти. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкон беради.

**Онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичи ошмоқда**



Президентимизнинг 2022 йилнинг 20 апрелда имзолаган 113-сонли Фармонида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш кўникмаларини ошириш Адлия вазирлигининг устувор фаолият йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоятда аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишининг олдини олиш, фуқароларнинг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун “Қарши тажрибаси” асосида маҳалла

фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлар ташкил қилинган.

Бундан ташқари, ДХМларида “ўз-ўзига хизмат” зоналари ташкил этилиб, давлат хизматларидан мустақил фойдаланишни хоҳловчи фуқароларга ЯИДХП орқали фойдаланишда кўмаклашилмоқда. Бу эса фуқаролар томонидан марказларга ташриф буюрмаган ҳолда масофадан туриб мустақил равишда давлат хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ошмоқда.

Аҳолининг онлайн давлат хизматларидан фойдаланишнинг рағбатлантириш мақсадида қонунчиликда ҳам имтиёзлар белгиланган, яъни белгиланган тўловлар 90 фоиз миқдорда ундирилади. Ушбу ҳолат ҳам аҳолини давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш

кўникмалари ошишига хизмат қилмоқда.

Юқоридаги Фармонга асосан ЯИДХПда айрим давлат хизматларидан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабининг бекор қилиниши, давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими жорий қилиниши, мобил иловаларнинг такомиллаштирилиши, банкоматнинг 24 соат ишлаши жорий этилиши ҳам фуқароларнинг давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланишига бу эса ортқча вақт ва харажатнинг олди олинишига хизмат қилади.

**Қайим ХОЛОВ,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**НАМАНГАН**

**УЧКЎРҒОН** туманидаги “Чек” маҳалласида яшовчи фуқаро А.Бахрамовнинг мурожаати Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.



**Ўқитувчига салкам 100 МИЛЛИОН сўм устама пули тўлаб берилди**

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, А.Бахрамов 1991 йил 25 мартда математика фани бўйича республика (жумҳурият) олимпиадасида эришган муваффақиятлари учун 3-даражали диплом билан тақдирланган. Ҳозирда Учкўрғон туманидаги 43-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида математика фанидан дарс бериб келаётган ўқитувчи иштирок этган математика фани бўйича республика олимпиадаси Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигини қўлга киритмасдан олдин ўтказилганлиги сабабли унга устама пулини ҳисоблаш ва тўлаб беришда ноаниқлик вужудга келган. Шу боисдан унга қарорда назарда тутилган устама пуллари тўлаб берилмаган.


Ноаниқликни бартараф этиш мақсадида адлия бошқармаси томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси орқали Халқ таълими вазирлигига сўров хати билан мурожаат қилинди.

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 18 апрелда халқ таълими бошқармасига йўллаган жавоб хатида фуқаро А.Бахрамов олимпиада ғолиблигини тасдиқловчи ҳужжат ва сертификатни тақдим этган тақдирда, унга белгиланган устамани тўлаш мақсадида мувофиқлиги баён қилинган.

Шунга қўра, адлия бошқармаси томонидан халқ таълими бошқармасига Учкўрғондаги 43-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси А.Бахрамовга Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги 4306-сонли Қарорининг тегишли бандига мувофиқ, ҳар ойлик устама пулини қайта ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш юзасидан тақдимнома киритилиб, унга ҳисобланган 92 миллион 676 минг 421 сўм устама пули тўлаб берилиши таъминланди.

**Абдурахим МУСАШАЙХОВ,**  
Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

**БУХОРО**



**Мурожаат пайсалга солинса “ЧЎНТАККА” зарар бўлади**

**ДАВЛАТИМИЗ** раҳбарининг “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида жисмоний ва юридик шахсларга қатор имтиёзлар яратилди. Мазкур Фармон билан кўрсатиладиган давлат хизматлари учун ундириладиган бир қанча давлат божлари камайтирилди. Хизмат кўрсатиш учун талаб қилинадиган муддатлар сезиларли қисқартирилди. Реал мисоллар би-

лан айтадиган бўлсак, жисмоний ва юридик шахслардан 16 турдаги маълумотномаларни талаб қилиш бекор қилинди. Яъни, айрим турдаги маълумотлар ва электрон кўринишдаги ҳужжатларни “Электрон ҳукумат” тизими идораларо интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда бериш тартиби жорий қилинди.

Соҳада жорий қилинган муҳим янгилıklarдан бири — эндиликда давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мудда-

тидан уч иш кунидан ортқ вақтга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизматдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга бир иш кунидан қайтарилди. Ариза берувчига эса тегишли давлат хизмати тўлиқ ҳажмда кўрсатилади.

Мазкур жараённинг аҳамиятли жиҳати шундаки, эндиликда давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини пайсалга солмасдан, ўз вақтида сифатли ва тезкор кўриб чиқади. Чунки, давлат хизматини кўрсатувчи ташкилот фуқаронинг мурожаатини пайсалга солса, бу ўзининг чўнтагига қимматга тушади. Бундан ташқари, агентликнинг тегишли бўлимлари томонидан маъмурий баённома ҳам расмийлаштирилади.

**Шухрат УМЕДОВ,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

**СИРДАРЁ**

*Лицей ўқитувчисининг имтиҳон харажатлари қоплаб берилди*



**ИРОДА Наврўзова** Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейда инглиз тили фанидан дарс беради. У жорий йилнинг 9 апрель куни С1 даражадаги халқро тан олинган сертификатга эга бўлди. Бироқ академик лицей томонидан И.Наврўзовага ушбу сертификатни олиш билан боғлиқ имтиҳон харажатлари қоплаб берилмади. Мазкур ҳолатдан норози бўлган И.Наврўзова амалий ёрдам сўраб, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мурожаат қонун доирасида ўрганиб чиқилганда лицей ўқитувчисининг эътирози асосли эканлиги, унинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди.

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хоржий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг камида С1 даражадаги халқро сертификатни олиш учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари давлат бюджетидан педагог кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган маблағлар,

давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари эса олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейга вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилиб, И.Наврўзовага академик лицей томонидан сертификатни олиш билан боғлиқ 675 минг сўм имтиҳон харажатлари қоплаб берилди.

**Тимур КАРИМОВ,**  
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



# РЕФЕРЕНДУМ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

2022 йил 16 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, референдумга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда сиёсий партиялардан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан қузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳам вакиллар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Эндиликда манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўз қузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтказилишига кечи билан ўн кун қолганида маълум қилади.

Қонуннинг референдум ўтказувчи округ комиссиясини тузиш тартиби билан боғлиқ 19-моддаси янги тахририга мувофиқ, референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Илгари тўққиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилган. Шунингдек, референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзоларига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорди Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларнинг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум

тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Қонуннинг 21-моддасига киритилган ўзгартириш референдум ўтказувчи участка комиссиясини тузиш билан боғлиқ. Унга кўра, референдум ўтказувчи участка комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин округ комиссияси томонидан йигирма беш кундан кечикмай беш — ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан комиссия раиси, раис ўринбосари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

Қонуннинг референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан тушган шикоятларни қўриб чиқиш тартибига киритилган ўзгартиришларга биноан, фуқаролар, шунингдек қузатувчилар референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари устидан ушбу қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан эса қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол қўриб чиқилади. Шикоят берган шахслар шикоятни қўриб чиқишда бевосита иштирок

этиш ҳуқуқига эга.

Референдум ўтказувчи комиссиялар референдуми ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Қонун талаблари бузилганлиги ёки референдумни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида қўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, референдумга камида олти кун қолганда ёки овоз бериш кuni келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол қўриб чиқиш, жавоб қайтариши шарт.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси мурожаатни қўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун тегишли комиссияни ушбу Қонунда белгиланган муддатларда чакради ва унинг мажлисини ўтказди. Мажлисга манфаатдор шахслар таклиф этилиши мумкин. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган референдум ўтказувчи участка комиссиясига келиб тушган мурожаат уч кунлик муддатда тегишли органларга юборилади ва мурожаат эгаси бу ҳақда хабардор қилинади.

Мазкур Қонун билан фуқаронинг чет давлатда турган жойида овоз бериш тартиби ҳам белгиланди. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва чет давлатларнинг ваколатли давлат ҳокимияти органлари билан ке-

лишувларга мувофиқ чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларда мудартидан олдин овоз бериш фуқаронинг турган жойида ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхонаси ҳузурда тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияси фуқароларнинг турган жойида овоз бериш вақти ҳамда жойи тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда фуқароларни, қузатувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади. Бу вазиятда фуқароларнинг турган жойида овоз бериши комиссиянинг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида ўтказилади.

Бундан ташқари, юқоридagi қонун билан округ бўйича овоз бериш яқунларини аниқлаш бўйича қўшимча ҳам киритилди. Унга асосан, округ бўйича овоз бериш натижалари референдум ўтказувчи округ комиссияси мажлисида аниқланиб, баённомага киритилади ҳамда мазкур баённоманинг қўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун дарҳол референдум ўтказувчи округ комиссиясининг биносига камида қирқ саккиз соат муддатта осиб қўйилади.

Шунингдек, агар референдумда қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш талаб этилса, давлат ҳокимияти органи референдумда қабул қилинган қарор кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу масала бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тайёрлаш муддатини ўз ваколатлари доирасида белгилashi шарт.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, референдум ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллашувчи халқ фаровонлиги ва давлатимизнинг тарққиқати учун хизмат қилади. Қолаверса, бўлажак референдум жараванларининг қонуний ва шафқоф ўтишини таъминлайди.

Икром АЛМАНОВ,  
Тошкент шаҳар суди судьяси

## ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР

**МАЪЛУМКИ, жорий йилнинг 12 апрель кuni Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни бекор қилинди. Қолаверса, янги қонунга биноан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилиятсизлиги икки тоифага — вақтинча ва доимий тўловга қобилиятсизлик аломатларига ажратилди.**

Агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йигимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги вақтинча

тўловга қобилиятсизлик аломатларини, судга ариза бериш санасидagi ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, утган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса, доимий тўловга қобилиятсизлик аломатларини ташкил этади. Шунингдек, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунда тўловга қобилиятсизлик

ишларини амалга ошириш жараёнида суд бошқарувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кенгроқ ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг бекор қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонундан янги қонун ҳужжатининг фарқли жиҳати шундаки, судга қарздорнинг ўзи ва кредитор мурожаат қилиши мумкинлиги, прокурор томонидан эса фақатгина устав фондида (устав капиталда) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдига қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи сақланиб қолинган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда тугатишга доир иш қуритиш муддати тўққиз ойдан ошмаслиги кўрсатилган бўлса, янги тахрирдаги Қонун ҳужжати га биноан ушбу муддат ўн икки ойдан ошмаслиги белгиланган. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилиятсизлик аломатлари вужудга келганда, уларнинг фаолиятини тиклаш

чоралари ёки аксинча ундирилмасдан келинаётган қарздорликларни ундириш чораси бўлмаганлиги учун уни тугатиш чоралари амалга оширилишини янада соддалаштириш, сохта банкротлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича ўз вақтида чоралар қўрилиши “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг фарқли жиҳатларидандир.

Албатта, янги қонуннинг қабул қилиниши айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини тақазо этди. Хусусан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 26-моддаси тўғрисидаги қўшимча қўриб чиқишга кўра, тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланади. Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдоридан олдидан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир яқунланган иши учун тўланади деб белгилаб берилган бўлса,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 сентябрдаги 765-сонли Қарори билан тасдиқланган “Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва малака аттестатини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-бандида, давлат солиқ инспекциясининг қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан банкрот деб топишган ҳўжалик юритувчи субъектнинг суд бошқарувчисига қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекцияси бошлигининг қарорига мувофиқ ҳар бир яқунланган тугатишга доир иш бўйича аризачи томонидан суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатлари учун суднинг депозит ҳисобварағига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида мукофот тўланиши қўрсатиб ўтилган ва мазкур қарорга бугунги кунга қадар ўзгартириш киритилмаганлиги амалиётда аризачиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмақда. Шу боис, юқоридagi Низомни тилга олинган қонун талабларига мослаштириш мақсада мувофиқ,

Шомурод БЕГМАТОВ,  
Зомин туманлараро иқтисодий суди раиси

IFLONLAR

Jizzax viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 21-iyundagi 112-umijsoni buyrug'i bilan Qo'shnarov Normuxammad Boqulovichga "Ma'muriy va jinoyit sud ishtiraini yuritish" ixtisosligi bo'yicha GZ 000163-sonli, Muradov Shahzod Karim o'g'liga "Iqtisodiy va fuqarolik" sud ishtiraini yuritish ixtisosligi bo'yicha GZ 000164-sonli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziya berilganligi ma'lum qilindi.

Qashqadaryo viloyati adliya boshqarmasi tomonidan joriy yilning 6-iyun kuni Qarshirov NASAF H.UQUQ MASLAXATGHIS" advokatlari hay'ati advokati Abdullayeva Kamola Abdullayevonaga Toshkent viloyati adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 27-dekabrda berilgan TS 000212-reyestr raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasi hamda advokatlik maqomi tugatildi.

Инсон ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДИЛЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

Бош  
муҳаррир  
Кўчор  
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Мурадф Мубаракходжаевич  
Тожиев Фурад Шомуродович  
Юлдашева Шоҳидан Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
кўпмазалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруса Ҳосилова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жамшид Гофуров

Нашр индекси: 137  
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимида, 2 босма табоқ ҳақда, офсет усулда “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй  
Тиражи — 3600  
Буюртма — 157

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда  
1 2 3 4 5

## “Азиза-лойиҳа” МЧЖ:

# Мақсадимиз улғу, режаларимиз катта

**Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари авжида. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам янги бинолар қад ростламоқда. Ҳудуднинг географик салоҳиятидан келиб чиқиб катта ўзгаришлар қилинмоқда. Жиззахнинг бетакрор табиати янада чирой очиб, вилоятнинг архитектура қиёфаси янгича кўриниш касб этмоқда.**



Шаҳар ва туманлар кун сайин чирой очмоқда. Ҳудудлар қиёфасини замонавий ҳолатга келтириш, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаларига уйғун ҳолда янги бинолар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ахборот тизими ҳам ишга туширилган. Ушбу тизим қурилиш соҳасида лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш ва барча аниқланган камчиликлар, киритилган ўзгаришлар, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада электрон тарзда акс этишини таъминлайди.



— Жорий йилда республикамызда шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, аҳоли пунктларининг бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги 98-сонли Қарори билан 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланган эди. Бу ўтган йилгига қараганда анча кўп, — дейди “Азиза-лойиҳа” МЧЖ раҳбари Азиза Юлдашева. — “Шаҳарсозлик” ҳужжатлари экспертизаси ахборот тизимининг қандай кўшимча афзалликлари мавжуд, деган савол кўпчиликини қизиқтириши табиий. Тизимнинг асосий вазифалари лойиҳа сметасининг ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича буюртмачи томонидан мурожаатларни электрон тарзда юбориш ва натижаларни электрон тарзда қабул қилиш, лойиҳа смета ҳужжатларининг электрон шаклини тизимга юклаш ва уни ягона базада сақлашдир. Бундан ташқари, архитектура режалаш топшириги, техник шартлар, лойиҳалашга лицензия электрон шаклда умумий базага юкланади. Экспертлар томонидан аниқланган камчиликларни тизимга киритиб бориш, экспертиза жараёнлари бўйича назорат ва ҳисоботларни автоматик тарзда шакллантириб туриш назоратга олинган.

Қўйилган талаблар ижросини таъминлаш ва қурилиш объектида бажарилаётган ҳар бир ишни алоҳида назорат қилиш, амалдаги қонунлар доирасида баҳолаб бориш жойлардаги назорат инспекциялари зиммасига юкланган. Бу борада кўшни вилоятларда, Жиззах вилоятининг ўзида ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилаётгани янгитдан қад ростлаётган бино ва иншоотларнинг замон талаблари даражасида бўлишига ҳисса қўшмоқда. Қурилиш тизимининг энг оғир ҳалқаси — лойиҳа санъатининг нафис ва мустаҳкам йўналишлари устида ишлаёт-

ган Азизахонга бу касб онаси Гулнораҳон Юлдашевадан мерос бўлиб ўтган бўлса не ажаб. Нафақат Жиззах вилоятида, балки бутун республика миқёсидаги катта лойиҳалар устида самарали фаолият юритган тажрибали архитекторни бунёдкорлар хурмат билан тилга олишади.

Асл лойиҳачи, олийжаноб инсон, муҳтарам устоз бўлган бу аёл бугун орамизда йўқ. У ташкил этган лойиҳа ташкилотини бугун унинг ёлғиз фарзанди Азизахон бошқармоқда. У бир неча йилдан буён ёшларни иш билан таъминлаб, 28 нафар ишчи-ҳодимлар билан катта лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Янги ва мукаммал иқлим шароитларига мос лойиҳаларни буюртмачиларга тақдим этишда аҳил жамоа елкама-елка туриб ишлашга одатланган.

Ўтган йиллар давомида жамоа тайёрлаган лойиҳалар асосида Зомин туманида 60-сонли мактаб реконструкция қилинди. Шу ҳудудда жойлашган болалар оромгоҳининг қурилиши самарали яқунланди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш учун шу ҳудудда спорт майдони ва бассейн ташкил этилди.

Кўшни Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Ибн Сино номли сихатгоҳининг беш қаватли янги даволаш биноси қурилиши, янги, замонавий кўринишдаги кўркам ошхона “Азиза-лойиҳа” МЧЖ жамоасининг меҳнати билан кўнгилдагидек қуриб битказилди.

Заҳматли меҳнат, изланишлар, иждоқкорлик, ишга масъулият билан ёндашиш ўзининг самарали натижасини кўрсатди. Ҳудудлардаги буюртмачилардан ташқари кўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар кела бошлади.

Сўзимиз исботи сифатида аниқ мисолларга тўхталиб ўтсак. Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида жамоа тайёрлаган лойиҳалар асосида 660 ўринли, Ховос туманида эса, 540

ўринли мактаблар қад ростлади. Ширин шаҳри ва Боёвут туманларида 315 ўринли мактабга таълим муассасалари замонавий кўринишда фойдаланишга топширилди.

Аҳил жамоа масъулият билан ишлаб, кўшни вилоятларнинг шаҳарсозлик инфратузилмасини ҳам янада яхшилашни мақсад қилган. Фарғона туманида 120 ўринли мактабга таълим ташкилоти биноси қурилиши, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида Республика Футбол ассоциациясининг буюртмасига асосан спорт комплекси қурилиши лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

Ёшларни ишга жалб қилиш, бўш иш ўринлари ярмаркасига таклиф қилиш мақсадида Жиззах шаҳридаги коллеж биносини “Ишга марҳамат мономаркази” биноси учун ихтисослаштириш ва қайта қуриш, Жиззах шаҳар ИИБ ЙХХБ ҳодимлари фаолият юритиши учун янги бино қурилиши, вилоят прокуратураси қошидаги бинони муносиб иш шароитлари учун реконструкция қилиш ишлари, аҳоли турар жойларини замонавий кўринишга келтириш, санайверсак адоғи йўқ янги лойиҳалар жамоанинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Мирзачўл ва Пахтакор туманларидаги кўп қаватли уйларни тўлиқ таъмирлаш лойиҳалари ҳам жамоанинг ҳалол меҳнатлари самарасидир. Вилоятнинг Зомин туманидаги 8, 11, 27, 45-мактаблари мукаммал таъмирлаш лойиҳалари, худди шу туманнинг ўзида “Бандликка қумаклашиш маркази” қурилиши лойиҳаси, 140 ўринли мактабга таълим ташкилоти биносининг қурилиши лойиҳаси фарзандларимиз келажаги учун муносиб тўхфа бўлди. Зеро, энг яхши инвестиция таълим-тарбияга йўналтирилган инвестициядир.

Бундай истиқболли лойиҳаларни тайёрлашда Денис Баум, Сираж Саяқулов, Викрам Туксанов, Жаҳонгир

Ҳайдаров, Темура Саиднасимов, Худойёр Холматов, Аделя Баум, Алишер Каримов, Бекзод Бердиқулов, Зарина Носирова сингари тажрибали, ўз ишига масъулиятли ҳодимларнинг дизайнерлик салоҳияти кўл келмоқда. Уларнинг янгитдан-янги изланишлари, такрорланмас гоёлари билан танишар экансиз, жамоада ҳар бир ҳодимнинг ўз ўрни борлигини англайсиз.

Азалдан Жиззах вилояти ўзининг юксак туристик салоҳияти билан туристларни ўзига мафтун этиб келади. Айниқса, ҳудуднинг бетакрор табиати, сўлим масканлари тўрт фаслда ҳам ўзгача қиёфада намоён бўлади. Бунга яхши анлаган ҳар бир раҳбари, мутахассислар жорий йилда Бахмал туманидаги “Узунбулоқ” аҳоли яшаш пунктида ҳарбий шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва қайта қуриш лойиҳаси устида иш олиб боришди. Тез орада ватанпарвар ҳарбийлар учун янги шаҳарча бунёд бўлади. Бу эса, осойишталигимиз посбонларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва доимий эътиборнинг яна бир намунасидир.

Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Зомин туманининг “Кўштол” маҳалласида ичимлик суви тармоғи қурилиши лойиҳалаштирилган. Лойиҳа амалга ошса, “Ёшлик”, “Пушагор” маҳаллалари аҳолисининг ҳам тоза ичимлик суви муаммоси барҳам топади.

Миллий мезморий обидаларга хорижий сайёҳларни жалб қилиш, ички туризмни янада яхшилаш мақсадида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилувчи янги автомобиль йўли Самарқанд вилояти учун янги туристик имкониятлар эшигини очади.

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги имом ал-Бухорий мажмуаси ҳудудини айланаб ўтадиган янги автомобиль йўли қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларини ҳам лойиҳачилар жамоаси самарали яқунлашди.

Жиззах шаҳридаги “Умид” номли айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биносини Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилаётган ихтисослашган мактаб-интернатта мослаштириш ва қайта қуриш лойиҳаси ҳам лойиҳачилар томонидан самарали яқунланди. Бу бино ҳам замонавий таълим масканига айланмоқда.

Лойиҳа ишини амалга оширишда кенг қамровли гоёлар кўл келмоқда. Бунда нафақат бунёдкорлик жараёнлари, балки ички инфратузилма объекти, хизмат кўрсатиш жабҳаларини янгилаш, туризм соҳасига салмоқли хисса қўшиш мақсад қилинган. Лойиҳа ташкилоти жамоаси бор куч ва ички имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилмоқда.

Қабул қилинаётган ҳаётбахш қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда лойиҳачиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг иши билан яқиндан танишиб, аҳил жамоанинг эзгу мақсадлари ва янги гоёлари, истиқболли режаларига ривож тилади.

Гулижаҳон АШУРОВА  
тайёрлади.